

Qishloq hayoti

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2022-yil 31-mart, payshanba

№ 13 (9177)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ҲАМКОРЛИГИ РИВОЖИДА ЯНГИ ДАВР БОШЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан 29 март куни Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Икки мамлакат давлат байроқлари билан безатилган Тошкент халқаро аэропортида Туркия Республикаси Президенти ва унинг рафиқасини Президент Шавкат Мирзиёев ва рафиқасини кутиб олди.

Таъкидлаш лозимки, Туркия Республикаси Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини биринчи бўлиб тан олган. 1996 йилда мамлакатларимиз ўртасида Абадий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланган. Халқларимиз кўп асрлик тарихи, тили, дини, кадрлари ва муштарак урф-одатлари билан бир-бирига чамбарчас боғланган. Давлатларимиз ўртасида ўзаро ишонч асосидаги дўстона муносабатлар бугунги кунда изчил мустақамланиб бормоқда.

Туркия етакчиси давлатимиз раҳбари ҳамроҳлигида “Янги Ўзбекистон” боғига ташриф буюриб, Мустақиллик монументи пойига гул қўйди. Меҳмонга мажмуада акс эттирилган тарих ва мазмун ҳақида сўзлаб берилди.

Таъкидлаш жоизки, бу хорижий дав-

лат раҳбари ташрифи чоғида “Янги Ўзбекистон” боғида ўтказилган биринчи шундай маросим бўлди ва келгусида аънамага айланади.

Ташрифнинг асосий тадбирлари Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Шавкат Мирзиёев ва Режеп Таййип Эрдоған шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Туркия давлат мадҳиялари янгради. Фахрий қоровул тантанали равишда давлат раҳбарлари олдида саф тортиб ўтди.

Маросимда икки мамлакат расмий делегациялари аъзолари ҳам ҳозир бўлди.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған тор доирада музокара-лар ўтказди.

Етакчилар Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ишончга асосланган кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустақамлаш

юзасидан фикр алмашдилар.

Учрашувда асосий эътибор стратегик шериклик муносабатлари даражасини юксалтириш, икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, парламентлараро, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш масалаларига қаратилди.

Кейинги йилларда икки томонлама ҳамкорлик сезиларли даражада фаоллашди. Ҳукуматлар, вазирлик ва идоралар, ҳудудлар даражасида доимий мулоқотлар йўлга қўйилган. Олий даражада эришилган келишувлар изчил амалга оширилмоқда.

Шавкат Мирзиёев ва Режеп Таййип Эрдоған кооперация лойиҳалари ва дастурларини амалга ошириш орқали савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни янада ривожлантириш Ўзбекистон ва Туркия ҳамкорлигининг муҳим йўналиши эканини қайд этдилар.

Шу маънода, мамлакатларимизнинг жамта салоҳияти ва имкониятларини, кўп мизан, Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия ме-

низидан фаол фойдаланиш орқали рўйбга чиқариш зарурлиги таъкидланди.

Давлат раҳбарлари минтақавий ва халқаро кун тартиби юзасидан фикр алмашаркан, мамлакатларимизнинг позициялари ўхшаш эканини қайд этдилар. Кўп томонлама халқаро институтлар доирасида ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олинди.

Шундан сўнг Олий даражадаги Ўзбекистон – Туркия Стратегик ҳамкорлик кенгашининг иккинчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия етакчисини кутлар экан, ўзаро ҳамкорликда юксак даражага эришилганидан, мамлакатларимиз парламентлари, давлат идоралари, ишбилармон доиралари ва жамоатчилиги ўртасидаги алоқалар мустақамланиб бораётганидан мамнунлигини билдирди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон кўп қиррали муносабатларни янада ривожлантириш ва мустақамлашдан манфаатдор эканини таъкидлади.

(Давоми 2-саҳифада)



АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

ЯНГИ АНДИЖОНДА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ АВЖИДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Андижон вилояти аҳолисининг уй-жойга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб, Андижон туманидаги адирликларда янги шаҳар қуриш ташаббусини илгари сурган эди.



440 мингга яқин аҳоли яшаши мумкин бўлган Янги Андижон шаҳри қурилишига ўтган йили июнь ойида тамал тоши қўйилди. Айни кунларда янги шаҳарнинг биринчи босқич доирасидаги қурилиш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Умумий майдони 4 минг гектарни ташкил этадиган шаҳарнинг 1 минг 144 гектар майдонида турар жойлар қад ростлайди. Шунингдек, 215 гектар майдонда савдо, 240 гектарда хизмат кўрсатиш, 76 гектарда саноат корхоналари, 1 минг 942 гектар майдонда яшил ҳудудлар барпо этилади.

Янги шаҳар лойиҳаси 8 босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда 3 минг 310 хонадонли 170 та кўп қаватли уй-жой, 1 минг 680 ўринли мактаб, 385 ўринли мактабгача таълим ташкилоти, 200 қатновли поликлиника қурилади. Шунингдек, ҳудудда кенг қўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилди.

Зухриддин УМУРЗОҚОВ (ЎЗА) олган суратлар.

АҲОЛИ СОНИ ЎСИШИ БОИС СУВГА БЎЛГАН ТАЛАБ ОШМОҚДА

Юртимизда сув ҳўжалиги соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилиб, тизимни янада такомиллаштиришга қаратилган Президент ва ҳукуматнинг фармон ҳамда қарорлари, давлат дастурлари қабул қилинган. Уларнинг ижросини таъминлаш, тармоқда ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича олиб борилаётган тадбирлар натижасида соҳада тараққиёт кўлами тобора кенгайиб бормоқда.

Олий Мажлис Сенатининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси Сув ҳўжалиги вазирлиги билан ҳамкорликда «Сув тежовчи технологияларни жорий қилиш самарадорлиги ва уларнинг замонавий услулари» мавзусида семинар ташкил этилди.

Семинарда Ўзбекистонда сув тежовчи замонавий технологияларни жорий этиш бўйича олиб борилаётган ишлар ва келгусидаги режалар, сув ресурсларини бошқариш ва сувни тежайдиган инновацион технологиялар бўйича кадрлар тайёрлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар, томчилатиб ва ёмғирлатиб суғоришда олиб бориладиган агротехник тадбирлар юзасидан мутахассис ва олимларни маърузалари эшитилди.

Сув ҳўжалиги соҳасидаги мавжуд муаммолар – сув танқислиги ва сув ресурсларига таъсир кўрсатувчи омиллар, жумладан, иқлим ўзгариши, аҳоли сонининг ўсиши, сувга бўлган талабнинг ошиб боришини

аниқлаш, уларни ўз вақтида бартараф этиш осон кечмаётганлиги қайд этилди.

Семинарда 2021 йилда суғориш ишларига республика бўйича жами 37,4 миллиард метр куб сув етказиб берилганига тўхталиб ўтилди. Жумладан, сув билан 19,9 миллион гектар, хусусан, 6,9 миллион гектар ғалла, 3,9 миллион гектар пахта, 8,5 миллион гектар такрорий ва томорқа майдонлари суғориш ҳамда 0,7 миллион гектар майдонда шўр ювиш ишлари амалга оширилган. Мавсум давомида ўртача кўп йилликка нисбатан жами 8 миллиард метр куб сув тежалишига эришилганлиги таъкидланди.

Шунингдек, семинар давомида сув тежовчи технологияларни жорий қилишнинг иқтисодий самарадорлиги ва унинг афзалликлари, бугунги кунда сувга бўлган талабнинг ортиши, ундаги муаммолар ва уларнинг ечимлари юзасидан фикр алмашилди.

М.КОМИЛОВА, ЎЗА мухбири.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

ФАХРИЙЛАР ТАШАББУС БИЛАН ЧИҚДИ

Президентимиз ташаббуси билан бошланган “Яшил макон” умуммиллий ҳаракати Наманган вилояти бўйлаб ҳам кенг қўлаб ёймоқда. Шу кунгача фойдаланилмай турган ерлар, дала-даштлар, ҳудудларда ҳашарлар уюштирилиб, боғ, кўкаламзорларга айлантирилмоқда.



– Бошқармаимиз ва унинг шаҳар, туман бўлимларида 1001 нафар тиббиёт мутахассиси ва ишчи-ходим меҳнат қилади, – дейди вилоят СЗО ва ЖСБ бошлиғи Мухаммадсоли Турабеков. – Улар 2021 йил кўздан шу кунгача белгиланган ҳудуд, хонадон, ишхона атрофида 30 минг тупдан ошқроқ кўчат ўтказиб, боғу гулзорлар яратишга ўз хиссасини

қўшмоқда. Юртимизда тиббиёт соҳасига берилаётган эътибор, Президентимиз томонидан соҳа ходимларини ўтказилган мулоқот чоғида айтилган даъватлардан руҳланган фахрийларимиз яна бир хайрли ташаббус билан чиқди. Соҳада 40 йилдан ортиқ меҳнат қилиб келаётган Мирзааҳмад Юлдашев, Мадаминжон Тоҳиров, Юсуфхўжа Ҳожиевлар

“Устоз ва шогирд” аънасанини давом эттириб, ёш мутахассислар билан бошқарма ён атрофида сада ниҳолларини ўтказишди. Вилоят марказида бошланган бу хайрли ташаббус шаҳар, туман бўлимлари фахрийлари томонидан ҳам қўллаб-қувватланмоқда.

Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ, “Qishloq hayoti” мухбири.

НАВОИЙДА ИЛК БОР ЎТКАЗИЛГАН РЕСПУБЛИКА МЕДИАФОРУМИ

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

Бугун матбуот кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисми сифатида ижтимоий воқеликнинг барча жабҳаларига дадил кириб бормоқда. Унинг жамиятимиздаги ўрни, обрў-эътибори ва нуфузи ҳақида сўз юритар эканмиз, том маънода кўз ўнгимизда ҳолислик ва ҳаққонийликни ўзларига шарафли бурч, деб билган олижаноб ва масъулиятли касб эгаларини тасаввур қиламиз.

Зеро, очиқлик, шаффофлик ва демократик тараққиёт йўлини танлаган янги Ўзбекистонимизнинг истиқболлини сўз эркинлигисиз, сўз эркинлигини эса Президентимизнинг таъбирлари билан айтганда профессионал билим ва малака, ҳаётий тажриба, ўз сўзи учун масъулият ҳисси, айни вақтда юксак фуқаролик позицияси, маънавий жасоратни журналистларсиз тасаввур этиш мушкул. Дарҳақиқат, бугунги тинчлик-о-



сойишталлигимиз барқарорлигини кенг тарғиб этиш, фаровон ҳаётимиз шукуҳини тараннум қилиш, ёшларимизни ёт гоёлардан асраш, халқимизни дунёда рўй бераётган таъбирлардан тезкор хабардор этиш, мамлакатимиз солномасига муҳрланаётган ҳар бир тарихий янгиллик ва ўзгаришларни юртдошларимизга ҳолисона етказиш борасида оммавий ахборот воситаларининг юксак хизматлари бор.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Навоий вилояти ҳокимлиги ҳамда Навоий кон-металлургия комбинати ҳамкорлигида жорий йилнинг 25-30 март кунлари “Миллий журналистика: аъналар давомийлиги ва замонавийлик” мавзусидаги республика медиафоруми ўтказилди. Медиафорумда Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан матбуот, телевидение ва интернет журналис-

тикаси соҳасида фойлият юритаётган 100 нафарга яқин ОАВ вакили ва блогерлар иштирок этди.

Бугун мамлакатимизда Давлатимиз раҳбари томонидан матбуот соҳасини ислох қилиш, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, оммавий ахборот воситалари соҳасини қўллаб-қувватлаш ҳамда янада эркинлаштириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар алоҳида аҳамиятта молиқдир.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Навоий вилояти ҳоқимлиги ҳамда Навоий кон-металлургия комбинати томонидан ҳамкорлик меморандуми имзоланди



Навоийда илк бор ўтказилган Республика медиафоруми

(Боши 1-саҳифада)

Президентимизнинг 2021 йил 26 июндаги Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ҳодимларига йўллаган байрам табригида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан илгари сурилган бир қатор ташаббуслар, яъни миллий медиа эконимизга дадил кириб келаётган ёш журналистлар, блогерлар, ахборот хизматлари ҳодимлари иштирокида "Миллий журналистика: аънаналар давомийлиги ва замонавийлик", "Журналистика одоби", "Ўзбекистон журналистика мактаби: ижодий мерос ва аънаналар" каби мазмунлари конференциялар, давра суҳбатлари, маҳорат дарслари ва ижодий танловлар уюштириш катта аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланди.



Навоий вилоятида бўлиб ўтган Республика медиафоруми ҳам мазкур ташаббус доирасида ташкил этилиб, оммавий ахборот воситалари вакилларининг ўзаро тажриба алмашиши ва маҳоратларини оширишда, республикада сановатда муҳим ўринга эга Навоий кон-металлургия комбинатида амалга оширилаётган изчил ислохотлар, инвестицион лойиҳалар билан яқиндан таништиришда алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Кон-металлургия ва иқтисодийёт соҳалари учун малакали кадрлар етиштириб бераётган етакчи олий ўқув юрти – Навоий давлат кончили институтини медиафорумнинг расмий очилиш маросими ўтказилди. Форумда республикадан ташриф буюрган меҳмонлар билан бирга Навоий вилоятида фаолият юритаётган маҳаллий журналистлар, шунингдек давлат идоралари матбуот хизматлари вакиллари иштирок этди.

румларнинг журналистларнинг малака оширишида ўзига хос "платформа" эканлиги, соҳада ёш кадрларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлашди.

Тадбирнинг иккинчи кунинда Навоий шахридаги муҳташам "Ёшлар маркази"да жойлашган "Ёшлар медиа маркази"да республикадан ташриф буюрган таниқли ижодкорлар – Аҳмадjon Мелибоев, Шуҳрат Жабборов, Шерзоод Қудратжўжа, Расул Кушербаев, Ҳусан Эрматов, Норқобил Жалилов, Абдурасул Жумакулов, Чори Латипов томонидан иштирокчилар ва навоийлик ёш журналистлар учун "Маҳорат дарслари" ташкил этилди. Форум доирасида Навоий машинасозлик, 7-Гидрометаллургия заводларидаги ишлаб чиқариш жараёнлари бориб кўрилди ҳамда мазкур сановат кластерларидаги энг замонавий техника ва қурилмалар журналистларда катта қизиқиш уйғотди.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

ТАРАҚҚИЁТ ТЎСИҒИ

Коррупция сўнгги йилларда халқаро миқёсда трансмилий жиноят сифатида кенг муҳокама қилинаётган масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Коррупцияга қарши курашишнинг устувор ҳуқуқий асослари қатор халқаро ҳуқуқий меъёрларда ҳам ифодасини топган.

Мамлакатимизда "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун ҳамда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони қабул қилинди. Мазкур ҳужжатлар асосида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича алоҳида тизим яратилди. Соҳада коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш ҳамда мазкур иллатга қарши курашишда самарадорлиқни ошириш чоралари янада қучайтирилди.

сон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман) Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий чора-тадбирлар дастурини тасдиқлади. Унга кўра, фуқаролар ва юридик шахслар вакиллари томонидан коррупция ҳақида хабар бериш механизми жорий этилди. Бунинг амалий ифодаси сифатида Омбудсманнинг 10-96 рақамли ишонч телефони ҳамда виртуал қабулхонаси фаолият юритмоқда.

Айни дамда ривожланган давлатларнинг коррупцияга қарши самарали кураш олиб боришда қўллаётган усулларидан бири бу давлат хизматчиларининг мол-мулк, даромадлари ҳамда катта ҳажмдаги ҳаракатларини декларация қилишнинг мажбурий этиб белгиланганидир. Бундан қўзланган асосий мақсад ва унинг тизимидаги ташкилотларнинг асосий вазифаси коррупциянинг олдини олиш бўлиб боради.

Айни дамда ривожланган давлатларнинг коррупцияга қарши самарали кураш олиб боришда қўллаётган усулларидан бири бу давлат хизматчиларининг мол-мулк, даромадлари ҳамда катта ҳажмдаги ҳаракатларини декларация қилишнинг мажбурий этиб белгиланганидир. Бундан қўзланган асосий мақсад ва унинг тизимидаги ташкилотларнинг асосий вазифаси коррупциянинг олдини олиш бўлиб боради.

Демак, бугун ушбу агентлик ва унинг тизимидаги ташкилотларнинг асосий вазифаси коррупциянинг олдини олиш бўлиб боради. Аввало, ҳуқуқий базани такомиллаштириш, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро шартномалар қондаларининг бажарилиши билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш лозим. Ушбу йўналишдаги фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича вазифаси ва ваколатлари, шунингдек, миллий индекс тузиш юклатилди. Бу орқали фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда худудлар, иқтисодийёт тармоқлари ва бошқа соҳалар кесимида коррупциянинг даражасини баҳолаш имкони юзга келди.

Яна бир муҳим жиҳати, ушбу тоифадаги жиноятчиликка қарши нафақат ҳуқуқий муҳофаза қилувчи идоралар, балки кенг жамоатчилик ҳам бирдек ташвишга солиши лозим. Айниқса, бу борадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда оммавий ахборот воситаларининг ҳамда жамоатчиликнинг ролини қучайтириш, уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви жараёнида иштирокини кенгайтириш зарур.

Олий Мажлисининг Ин-

Фаррух САМАТОВ, Жиноят ишлари бўйича Нуробод тумани судини раиси.

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ БИЗГА НИМА БЕРАДИ?

Аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари "ижтимоий ҳимоя", "инвестиция", "уй-жой", "соғлиқни сақлаш", "маданият", "туризм", "таълим", "йўл қурилиши ва инфратузилма" каби манзилли дастурларнинг тайёрланиши ва амалга оширилишида хизмат қилади.

Келгусида аҳолини рўйхатга олиш натижаларига асосланиб, ушбу дастурларни амалга ошириш натижаларини баҳолаш, иқтисодий прогнозлаш ва демографик сиёсатни шакллантириш мумкин. Аҳолини рўйхатга олиш БМТнинг тавсияси бўлиб, ҳозирги кунгача дунёнинг кўпгина мамлакатларида ўтказилди. Мазкур тадбир бутун дунё аҳолисининг умумий, кенг қўламли қиёфаси яратилишига хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридagi рақобатбардошлигини ошириш истаги замонавий иқтисодийнинг асосий манбаи – мамлакатнинг инсоний салоҳияти ҳақида билмасдин амалга оширилмайди, албатта. Бизнинг вазифамиз мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш орқали кучлироқ бўлишдир. Бунинг учун аҳолининг таркиби, унинг иқтисодий фаоллиги, таълим даражаси ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишимиз керак. Мисол учун, мамлакатда қанча одам борлиги ҳақида эмас, балки мигрантлар қаердан ва қаерга кетаётганлигини, ёш ва жинс таркиби каби кўпмаъlum маълумотларни билишимиз керак.

УКАРИМОВ, Учитель тумани статистика бўлими бошлиғи.

Эълонлар

"AGRO SOLUTION SRO" МЧЖ СТИР 305003134 Кредитор қарздорлиги мавжуд эмаслигини маълум қилади. Марожаат учун: Юнусобод тумани, Янгитарнов кўчаси, 14-уй. Телефон: +998 95 032 99 88

ФВВ огоҳлантиради!

Хонадонларда, қайта таъмирланаётган ҳамда янги қурилатган турар жой биноларида ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя қилинг!

Ёнғин содир бўлмаслиги учун ёш болаларни уйда ёлғиз қолдирманг, уларнинг электр ускуналарида фойдаланишларига асло йўл қўйманг. Газ ва электр асбобларини ишлатиш қондаларига қатъий риоя қилинг. Очиқ оловдан эҳтиётлик билан фойдаланинг, кўп ёнғинлар оловдан эҳтиётсизлик натижасида содир бўлишини унутманг. Уйдан чиқишдан олдин газ ва электр ускуналарининг ўчирилганлигини текшириб чиқинг. Ностандарт ва қўлбола саклагичлардан ҳамда вақтинча ўтказилган электр симларидан фойдаланманг. Ишлаб турган газ ва электр асбобларини назоратсиз қолдирманг, ёнғин чиққанда "101" ёки "1050" га қўнғинроқ қилишни ёдда тутинг!

Учкун ТУРСУНОВ, Сергейи тумани ФВБ П ва НБ инспектори, оддий аскар.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

НОГИРОНЛИК ПЕНСИЯСИНИНГ ЭНГ КАМ МИҚДОРИ ОШИРИЛМОҚДА

Ногиронлиги бўлган шахслар, айниқса, доимий парваришга муҳтож бўлган болаларни парваришлайётган оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш, ижтимоий ёрдамнинг замонавий механизмларини амалга оширишда янги ёндашувларни жорий этиш мақсадида жорий йилнинг 1 апрелидан меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган ногоиронлик нафақаси ҳамда иш стажига тўлиқ бўлмаган ҳолатдаги ногоиронлик пенсиясининг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда 440 000 сўмдан 622 000 сўмгача оширилади.



Шунингдек, ўзгалар парваришига муҳтож ногоиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларнинг парвариши билан банд бўлган, боланинг қонуний вакилига ҳар ойда 500 минг сўм миқдорига нафақа тўлови жорий этилади. Бунда парваришlash нафақасини тўлаш ва етказиб бериш харажатлари бюджет маблағлари ҳисобидан қопланади. Парваришlash нафақаси фуқаролар-

нинг қонуний вакиллари тўғрисидаги маълумотлар ҳамда парваришlash нафақасини фуқаролардан қўшимча хужжатларни талаб этмаган ҳолда "проактив шакл"да тайинлаш тизими жорий этилади.

А. ЧОРИҚУЛОВ, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Арнасой тумани бўлими етакчи инспектори.

QISHLOQ HAYOTI

УЗАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекс таркибидagi ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Тахрир ҳайъати:

Жамшид ХҲЖАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Шуҳрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Ақтам ҲАЙТОВ, Махмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Раимқул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Ҳажми 2 босма табоқ, Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. НАШР ИНДЕКСИ – 144. Бюролма Г-347. 2026 нусxada чоп этилди.

Манзилими: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: Қабулхона – (0-371) 236-26-50. Факс – (0-371) 233-09-93. Реклама ва эълонлар – (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04. e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нарҳда.



Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 21.10